

6-1-2019

The reasons for the emergence of the shadow economy and the factors influencing it

I.O Abdurakhmonov

Higher School of Strategic Analysis and Forecasting of the Republic of Uzbekistan. Gorod Tashkent, Yunusabadskiy Rayon, Sharofobod street - 19., tashkent1978@yahoo.com

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Abdurakhmonov, I.O (2019) "The reasons for the emergence of the shadow economy and the factors influencing it," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 6 , Article 13.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss6/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Абдурахмонов Иброҳимжон Отажонович
Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш
Олий мактаби мустақил тадқиқотчиси
E-mail: tashkent1978@yahoo.com

Аннотация: Мақолада хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келиш сабаблари ҳамда унга таъсир этувчи омилларга нисбатан олимлар ҳамда экспертларнинг илмий қарашлари жумладан, хуфиёна иқтисодиётни юзага келтирувчи иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий муаммолар ва уларнинг оқибатлари тўғрисидаги назарий қарашлар ёритилган. Шунингдек олимлар ҳамда экспертлар томонидан берилган назарий қарашларни таҳлил қилган ҳолда, хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат миллий иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган салбий жиҳатлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: хуфиёна иқтисодиёт, иқтисодий фаолият, миллий иқтисодиёт, бозор, омил.

Кириш

Бугунги кунда хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш дунёнинг кўплаб мамлакатларида долзарб муаммолардан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида ҳам хуфиёна иқтисодиётнинг кўлами юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазири Ж.А. Кучқоров томонидан берилган маълумотларга кўра, мамлакатда хуфиёна иқтисодиёт хажми миллий иқтисодиётнинг 45 фоизини ташкил этиши маълум қилинган [1].

Хуфиёна иқтисодиёт нафақат иқтисодий ижтимоий тузилмалар, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига олувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқелик, балки, аввало, жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган, мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил қилувчиларнинг шахсий ва гуруҳий манфаатларини қондириш, яъни катта миқдорда қўшимча даромад (фойда) олишни кўзлаб давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яширган ҳолда, давлат ва нодавлат мулкидан ҳамда иқтисодий бойлик, тадбиркорлик қобилиятидан жиноий йўл билан фойдаланишдир. У ошкор расмий иқтисодиёт билан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг таркибий қисмидир. Ҳар бир яширин фаолият бирбиридан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам яширин иқтисодиёт муаммоларини ҳал қилиш учун унинг асосий соҳа ва сегментларини кўрсатиб ўтиш лозим.

Хуфиёна иқтисодиёт деб давлат ҳисоби ва назоратидан ташқарида ривожланадиган ва шу сабабдан расмий статистикада акс этмайдиган хўжалик фаолиятига айтилади.

Хуфиёна иқтисодиёт соҳасидаги фаолият миқёси ва характерининг ўзгарувчанлик чегаралари жуда кенгдир – жиноий фаолиятдан (масалан, наркобизнесдан) олинадиган катта даромадлардан то тузатилган жўмрак учун сантехник устани бир шиша ароқ билан «мукофотлаш»гача. Хуфиёна фаолиятнинг

турли хиллари сифат жиҳатдан фарқланади. Шу сабабдан, хуфиёна иқтисодиётнинг муаммоларини тўғри тушуниб етиш учун унинг асосий сегментлари ва секторларини ажратиш керак.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бугунги кунда бир қатор олимлар ҳамда экспертлар томонидан мамлакатда хуфиёна иқтисодиётнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда хуфиёна иқтисодиёт кўрсаткичларининг ўсиб боришига нисбатан турли ҳил илмий ёндашувлар илгари сурилади.

Жумладан, Швециялик иқтисодчи олим К.Ф.Веcker томонидан хуфиёна иқтисодиётнинг ўзига хослиги, норасмий иқтисодиёт – бозор иқтисодиётининг назорат қилиб бўлмайдиган қисми эканлиги таъкидланиб, қайсики улар рағбатлантиришнинг бошқа шаклларига асосан товарлар ишлаб чиқаришлари ва хизматлар кўрсатишларини маълум қилган [2].

Хуфиёна иқтисодиётни юзага келтирувчи сабаблардан бири сифатида испан олими Эрнандо де Сото тарафдорлари мамлакатдаги қонунларнинг “ёмон” лигидадир дейишади [3]. Ушбу қонунлар иқтисодий актив фаолиятга сунъий равишда тўсиқ бўлиб, қонунга итоат қиладиган фуқароларни хуфиёна иқтисодий фаолият юритувчи шахсларга айлантириб қўяди. Бу салбий ҳолатни бартараф этиш учун эса, улар мамлакатда иқтисодий фаолият юритиш учун бюрократияни қисқартириш лозимлигини таъкидлайдилар. Иқтисодиётни эса босқичма – босқич либераллаштириб бориш ташаббусини илгари суриб, бу сиёсатни фирмаларни рўйхатга олиш тартибини енгиллаштириш, солиқлар юкини енгиллатиш, текширувчи инстанциялар сонини қисқартириш орқали амалга оширишни таклиф этадилар.

Рус иқтисодчи олимлари А.К.Бекряшев ва А.К.Белозеровлар томонидан хуфиёна иқтисодиётни келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтадилар:

- бозор тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги;
- бозорнинг жамият манфаати учун фаолият юритмаслиги;
- бозорнинг ташқи салбий омилларга қарши самарали тура олмаслиги;
- бозорнинг ижтимоий тенгсизликка қарши тура олмаслиги;
- қарорлар қабул қилишда бозор тўғрисида объектив маълумотларнинг етишмаслиги;
- сиёсий жараёнларнинг мукамал эмаслиги;
- давлат аппарати устидан назорат қилиш имкониятининг чекланганлиги;
- анонимлик [4].

Шунингдек, бошқа рус олимлари томонидан хуфиёна иқтисодиётни юзага келтирувчи асосий сабабларидан қуйидагиларни келтириб ўтилади:

- ҳукумат тарафидан олиб борилаётган нооқилона сиёсат;
- назорат қилувчи органларда коррупциянинг авж олганлиги;
- мамлакатда ишсизликнинг ортиб бориши, унга қарши тартибга солиш механизми самарадорлигининг пастлиги;
- бошқарувдаги хўжасизлик;
- легал иқтисодий инфратузилманинг етишмаслиги;
- тарихий омиллар;
- жамиятнинг ёпиқлиги ва ҳ.к.

Бундан ташқари россиялик тадқиқотчи олим В.А.Тимченко томонидан хуфиёна иқтисодиёт борасида олиб борилган илмий тадқиқоти давомида хуфиёна иқтисодиётнинг намоён бўлиш шакллари, унинг сабаб ва оқибатларини атрофлича ўрганиб чиқилган [5]. Жумладан, эксперт томонидан ҳар қандай иқтисодиёт негизида талаб ва таклиф ётиши маълум қилинган. Демак, истемолчиларда маълум бир товар, иш ва хизматларга талаб бор экан, тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу хизматлар таклиф этилади.

Олим томонидан хуфиёна иқтисодий фаолиятни юзага келтирувчи объектив ва субъектив сабаблар кўрсатиб ўтилган. Хусусан, хуфиёна иқтисодий фаолиятни юзага келтирувчи биринчи сабаблардан бири сифатида истемолчилар талабларининг тўлиқ қондирилмаслигида кўрилади. Яъни истемолчининг товар ва хизматларга талабини тўлиқ қондирилмаслиги биринчидан ушбу товар ва хизматларга бўлган талабни ошиб боришига, ушбу товарларда дефицитни юзага келтирса, иккинчи тарафдан мазкур товар ва хизматлар нархининг ошиши билан бирга, товар ва хизматларни истемолчиларга етказиб берилишида таниш билишчиликларни юзага келиши бу эса ўз оқибатида коррупцияни вужудга келишига таъсир этувчи омил сифатида қаралган. Яъни шундай товар ва хизматлар борки, уларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ёки сотиш жамиятдаги маълум қонунлар билан чеклаб (ёки чегаралаб) қўйилган. Жумладан, наркотик моддалар, қурол – яроқларнинг ноқонуний айланиши, фохишалик каби ҳолатлар борки, буларга нисбатан давлат томонидан жиноят қонунчилиги бўйича аниқ жазо чоралар белгилаб берилган. Шунга қарамай жамиятда қарамай ушбу товар ва хизматларга талаб бор эканлиги хуфиёна иқтисодий фаолиятни юзага келтиради.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келиш сабаблари ҳамда унга таъсир этувчи омилларга нисбатан олимлар ҳамда экспертларнинг илмий қарашлари қиёсий таҳлил қилинди. Хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келтирувчи иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий муаммолар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида, шунингдек олимлар ҳамда экспертлар томонидан берилган назарий қарашларни ўрганиш орқали, хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат миллий иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган салбий жиҳатлари ёритилди.

Таҳлил ва натижалар

Жамиятда хуфиёна иқтисодиётни юзага келишига таъсир этувчи яна бир омил сифатида истемолчилар томонидан товар, хизмат ёки ишларни олаётган жараёнларида ўз фойдаларини кўзлаб қонунларни айланиб ўтишга ҳаракат қилишларида кўриш мумкин. Мисол сифатида корхонада ишловчи ходимлар учун уй – жой билан таъминланиш жараёни бошланди. Шу жараёнда айрим ходимлар чиқадики, уларга уй - жой берилиши мумкин эмас, лекин айрим ходимлар шу жараёнда ўйлайдики нима қилсам шу уйни қўлга киритаман деган фикрда турли ҳил ноқонуний ҳатти – ҳаракатларни амалга оширадилар.

Хуфиёна иқтисодий фаолиятни юзага келишига сабаб бўлувчи омиллардан яна бири сифатида ишлаб чиқарувчининг яққол монопол бўлишга ҳаракат қилишида кўрилади. Бу билан яққа ишлаб чиқарувчи бозорда нарх сиёсатини танхо белгилаб, юқори даромад олишга ҳаракат қилади.

Хуфиёна иқтисодиётни юзага келишида асосий туртки бўлувчи омиллардан яна бири сифатида жамиятда иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий базадаги камчиликлар эътироф этилади. Жумладан, бизнесни бошлаш жараёнида бюрократиянинг ҳаддан зиёдлиги, солиқларнинг кўплиги, солиқ юкларининг оғирлиги, бошқа бошланғич тўловларнинг кўплиги иқтисодий фаолият субъектларини расмий даромадларини беркитишга ундаши маълум қилинади.

Хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келишига сабаб бўлувчи омиллардан яна бири сифатида жамиятда иқтисодий фаол аҳоли меҳнатига нисбатан тўланадиган меҳнат ҳақининг камлиги сифатида қаралади. Яъни меҳнат билан шуғулланувчи ишчи хизматчиларга ойлик иш ҳақлари ва уларга тенглаштирилган тўловларни тўлашда қўшимча тўловларнинг кўплиги натижасида ходимларга кам иш ҳақи ҳисобланиб, қолган қисмини ҳисоботларда кўрсатилмаган ҳолатда иш ҳақи сифатида берилиши маълум қилинган.

Россиялик олим А.К.Бекряшев томонидан хуфиёна иқтисодиётни ўрганиш, унга қарши кураш чоралари самарадорлигини таъминлаш, уни баҳолаш ва ўлчашда учта нарсага алоҳида эътибор қаратишни таклиф этади [6].

Яъни, глобал, макро ва микро даражада жиҳатларини очиб берилиши лозимлиги кўрсатилади.

Глобал даражада олинганда, халқаро хуфиёна муносабатлар буларга наркобизнес, жиноий фаолиятдан олинган пулларни “ювиш” кабилар тушунилса, макродаражада эса, хуфиёна иқтисодий фаолиятни мамлакат иқтисодий тизимига таъсири, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва ЯИМни истеъмоли, бандлик, инфляция, иқтисодий ўсиш ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири жараёнлари жиҳатидан олиб ўрганлиши таъкидланади.

Микродаражада эса, хуфиёна иқтисодий фаолият субъектларининг алоҳида соҳалари, улар томонидан қарорлар қабул қилиниши ҳамда алоҳида ноқонуний бозорлар ўрганилади. Шунингдек, эксперт томонидан хуфиёна иқтисодиётни тадқиқ этишда хуфиёна иқтисодиёт детерминантларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди.

Жумладан, хуфиёна иқтисодиёт ва криминал иқтисодий фаолиятни юзага келишига сабабчи бўлувчи омиллардан қуйидагиларни келтириб ўтади;

- солиқ юкининг ҳаддан зиёд оғирлиги;
- иқтисодий фаолият юритишни ҳаддан зиёд регламентациялаштириб юбориш;
- мамлакат иқтисодиётида давлат секторининг юқорилиги.

Олимлар ҳамда экспертлар томонидан Хуфиёна иқтисодиётни юзага келтирувчи омилларнинг ўхшаш жиҳатлари умумлаштирилиб, тизимлаштирилганида уларни шартли равишда умумий уч гуруҳга бўлиб тавсифланади:

1. Иқтисодий омиллар;
2. Ижтимоий омиллар;
3. Ҳуқуқий омиллар;

Иқтисодий омиллар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг фаолиятига нисбатан ўрнатилаётган республика ва маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлар юкининг оғирлиги;

- мамлакатдаги иқтисодий аҳволнинг ёмонлашуви;
 - мамлакатда пул – кредит сиёсатида муаммоларнинг мавжудлиги;
 - иқтисодиётда бартер муносабатларининг ошиб кетиши;
 - монополиянинг мутлақлашиб бориши;
 - давлат томонидан иқтисодиётни ҳаддан ташқари регламентациялаб юборилиши;
 - давлат томонидан бозордаги эркин рақобат ва нарх сиёсатига аралашувнинг кучайиб кетиши;
 - мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси оғирлашиб бориши.
- Ижтимоий омиллар таркибига қўйидагиларни киритиш мумкин:
- мамлакатда ишсизлик даражасининг ошиб кетиши;
 - мамлакат миқёсида ЯИМни ижтимоий соҳа объектларига нотўғри тақсимланиши;
- Ҳуқуқий омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин:
- мамлакатдаги қонунчиликнинг номукамаллиги, шу жумладан хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш юзасидан қонунларнинг етарли эмаслиги;
 - хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш юзасидан қабул қилинган қонунлар ижроси устидан назоратнинг сустлиги;
 - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш юзасидан олиб бораётган фаолият самарасининг пастлиги;
 - хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш юзасидан мувофиқлаштириш механизмнинг мавжуд эмаслиги ёки ушбу механизмнинг номувофиқлиги.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагилардан кўринадики, хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келиш сабаблари ва унга таъсир этувчи омиллар ҳам турлича эканлиги кўришимиз мумкин. Олимлар ҳамда экспертлар томонидан берилган таърифлар умумлаштирилганда, хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келиши ва унинг мамлакат миллий иқтисодиётида тутган кўламини кенгайиб боришига асосан урта асосий сабаб ҳамда омиллар таъсир этиши маълум бўлди.

Шу билан бирга айтиш жоизки, бугунги кунда хуфиёна иқтисодиётнинг ўсиб боришига таъсир этувчи янги омил сифатида интернет тармоғининг кенгайиб бориши ҳамда ушбу тармоқда турли ҳил янги кўринишдаги давлат назоратидан четда қолаётган савдо тармоқларининг пайдо бўлиб бораётганлиги ҳам ўзининг таъсирини ўтказиб келаётганлигида кўринади. Мазкур йўналишда ҳам мамлакатда электрон савдо тизимини йўлга қўйишда ҳуқуқий камчиликлар мавжудлиги кўриниб қолмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатда хуфиёна иқтисодиётнинг юзага ижтимоий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий сабаблар хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келиши ҳамда унинг мамлакат миллий иқтисодиётида тутган ўрнининг кенгайиб боришига таъсир этувчи омиллар сифатида қаралади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://kun.uz/ru/news/2020/01/25/djamshid-kuchkarov-tenevaya-ekonomika-ravna-45-protseptam-natsionalnoy-ekonomiki>

2. Kristina F.B. **“The Informal Economy”** march 2004, Шведский Международный агентство сотрудничества развития SE-105 25 Стокгольма Швеция.

3. <http://ie.boom.ru/Latov/Monograph/Contents.htm>;
http://www.iicas.org/articles/library/libr_rus_22_4_00_1te.htm;
<http://www.libertarium.ru/libertarium/way>.

4. Бекряшев А.К., Белозеров И.П. “Теневая экономика и экономическая преступность” / и криминальной экономики. Понятие и структура теневой экономики.

5. <http://www.finbook.biz/description.html?prm=149>

6. <http://newasp.omskreg.ru/bekryash/ch1p10.htm>